

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

# FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

## Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)  
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)  
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)  
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

## Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)  
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)  
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)  
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.

Жўрабоева Г.

**Мусахҳиҳ:** Шералиева Ж.

**Таҳририят манзили:**

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60

Сайт: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,  
2021.

## Аниқ ва табиий фанлар

## МАТЕМАТИКА

**Д.Аманов, С.И.Сиражиддинов**Тўртинчи тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенглама учун  
нолокал масала.....6**А.Оқбоев, Н.Муталлиев**Иккинчи тур бузиладиган гиперболик типдаги тенглама учун  
силжишили масала.....14

## БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

**Ғ.Юлдашев, В.Исақов, У.Мирзаев, Х.Шокирова**Гидроморф тупроқларнинг антропоген омиллар таъсирида  
эволюцияси.....20

## КИМЁ

**И.Аскаров, Ҳ.Исақов, О.Абдуллоев, Ш.Тураҳонов**

Анор пўстлоғи таркибидан галл кислотасини олиш усуслари.....25

## Ижтимоий-туманинтар фанлар

## ТАРИХ

**Лианг Юн, Н.Камбаров**

Қанғ маданияти ҳақида хитойлик олимларнинг фикрлари.....30

**Ф.Шамукарамова**

Катта Фарғона каналининг қурилишида археологик назоратнинг аҳамияти.....43

**У.Абдуллаев**Фарғона водийси ҳалқларида анъанавий дағн ва таъзия  
маросимлари.....51**Т.Турсунмуратов**Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикаси билан таълим соҳасида ҳамкорлигининг  
айrim хусусиятлари.....56**А.Алоҳунов**

“Хўжа”лар тоифасининг келиб чиқиш тарихидан.....61

**Р.Атаканов**Фарғона водийси қорақалпоқлари замонавий кийимларидаги анъанавий  
жихатлар.....66**Д.Исмоилова, Н.Бердиев**

Туркистанда суд тизими тарихидан.....72

**Р.Ақбаров**Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек миллий матбуотининг жангчиларни  
ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги роли.....78**Д.Элова**Бухоро ҳаво флотини ташкил этиш тадбирлари ва самолётлар кириб  
келиши тарихидан.....85**Э.Ғуломов**

Ўзбекистон Республикасида 1994 йилги Олий Мажлис сайловига тайёргарлик.....89

ТАРИХ

УДК: 950+930.26+39

## “ХЎЖА”ЛАР ТОИФАСИННИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИДАН

### ИЗ ИСТОРИИ ВОЗНИКОВЕНИЯ СОСЛОВИЯ «ХОДЖА»

### FROM THE HISTORY OF THE EMERGENCE OF THE «KHOJA» ESTATE

Алохунов Алишер Аҳмаджонович<sup>1</sup>

**Алохунов Алишер Аҳмаджонович**

—Фаргона давлатуниверситети жаҳон тарихи кафедраси камта ўқитувчиси, PhD.

#### Аннотация

Мақола Ўрта Осиёнинг қатор худудларида муайян этнографик гуруҳ сифатида шаклланган аҳоли гуруҳини англатувчи этноним – “хўжа” тоифасининг келиб чиқиши ва шаклланшига багишланган. Унда аҳолининг ушбу тоифаси Ўрта Осиёдан ташқари, Қозогистон, Қошғар, Ўрта ва Яқин Шарқ давлатларида ҳам учраши ва у турли маъноларда кўпланилганлиги, оқсуяк табақаси сифатида маълум имтиёзларга эга бўлганлиги каби маълумотлар таҳлил қилинган.

#### Annotation

Dанная статья освещает происхождение и формирование сословия «ходжа», означавшее этноним определенной этнографической группы, сформировавшейся в некоторых регионах Средней Азии. Проанализированы сведения о том, что данная категория населения кроме Средней Азии встречается в Казахстане, Кашгаре, Среднем и Ближнем Востоке и как аристократическое сословие имела определенные привилегии.

#### Annotation

This article highlights the origin and formation of the "Khoja" estate, which meant the ethnonym of a certain ethnographic group that formed in some regions of Central Asia. The information is analyzed that this category of the population, outside of Central Asia, is found in Kazakhstan, Kashgar, the Middle and Near East, and as an aristocratic class had definite privileges.

**Таянч сўз ва иборалар:** Ўрта Осиё, топонимик материаллар, этноним, хўжа атамаси, аҳоли тоифаси, ижтимоий мавқе, араблар, дин уламолари.

**Ключевые слова и выражения:** Средняя Азия, топонимические материалы, этноним, термин “ходжа”, сословие, социальный статус, арабы, духовенство.

**Keywords and expressions:** Central Asia, toponymic materials, ethnonym, term “Khoja”, estate, social status, Arabs, clergy.

Ўрта Осиё инсоният цивилизациясининг қадимги ўчоқларидан бири бўлиб, ушбу худуд тарихий даврнинг маълум босқичларида турли ҳалқлар фаолияти ва кураши майдонига айланган. Бу худуд аҳолиси ҳақида турли даврларда қолдирилган тарихий ёдгорликлар, ёзма манбалар, шу жумладан, топонимик материаллар маълумот беради. Ўрта Осиё тарихи учун топонимиянинг аҳамияти ҳақида XX асрнинг бошларидаёқ бир гуруҳ тадқиқотчилар алоҳида тўхталиб ўтганлар. Жумладан, А.Вамбери, В.Л.Вяткин, В.В.Бартольд, М.Е.Массон, С.П.Толстов, Э.М.Мурзаев, Я.Ғуломов, С.Г.Кляшторний, Ф.Абдуллаев каби атоқли шарқшунослар Ўрта Осиё топонимикасига доир талай мақолалар ёзганлар [15,4].

Ўрта Осиё тарихига назар ташланса, бу ерга тааллуқли топонимлар орасида “хўжа” атамаси ҳам кенг тарқалган бўлиб, баъзи адабиётларда “хөаджа” шаклида учрашини кўриш мумкин [10,222].

Хўжа атамаси нафақат қишлоқлар, балки алоҳида манзилгоҳлар, зиёратгоҳлар, сугориш каналлари, ҳатто қишлоқ ёки алоҳида хўжаликларга ажратиб берилган сугориш иншоотлари бир қисмининг номи сифатида ҳам учрайди. Бу атама Ўрта Осиёнинг қатор худудларида муайян этнографик гуруҳ сифатида шаклланган аҳоли гуруҳини англатувчи этнонимдан ҳам келиб чиқсан.

Этнографик гуруҳ – маълум бир этноснинг, яъни элат – ҳалқнинг ажралмас қисми, унинг таркибидаги бўлинмалардан бири бўлиб, ўзига хос тил лаҳжаси, хўжалик фаолияти, турмуш

тарзининг баъзи бир томонлари билан муайян элатдан фарқ қиласди. Этнографик гурух, одатда, бир қабила ёки элатнинг бошқа ерга бориб иккинчи бир халқ таркибига кириб яшаётган, аммо унинг таркибига мутлақо сингиб кетмай, у билан бирга яшаб келаётган этник бирликка айтилди [14,77]. Масалан, собиқ совет ҳокимииятига қадар ўзбек халқи таркибидаги қипчоқлар, қурамалар, умуман олганда, кўчманчи туркий қабилалар этнографик гурух ҳисобланган. Баъзи ҳолларда этнографик гурух ўз элидан, халқидан ажралиб, бошқа бир этнос таркибига қўшилиши туфайли ҳам пайдо бўлади. Бу хилдаги этносларнинг катта қисми асрлар давомида маҳаллий халқнинг ичидаги яшаб, уларнинг урғодатлари ва маданиятини қабул қилиб, унинг таркибига сингиб кетган. Масалан, арабларнинг саййид ва хўжа тоифаси [4,21].

Аҳолининг хўжа тоифаси Ўрта Осиёдан ташқари, Қозоғистон, Қошғар, Ўрта ва Яқин Шарқ давлатларида ҳам учрайди. Мазкур ҳудудларда хўжа атамаси турли маъноларда қўпланилиб, бундай кўп маънолилик ушбу сўзни ишлатган аҳолининг этник таркиби, хўжа сўзи қайси жихат билан боғлиқлиқда кўриб чиқилиши ва ҳоказоларга боғлиқ тарзда юзага келган.

“Хўжа”, “хваджа” атамаси келиб чиқишига кўра форсча бўлиб, “катта, бошлиқ” маъноларини англатган ва ушбу маънода турли халқлар орасида кенг тарқалган эди. “Хўжа” сўзи асосий маъносидан ташқари, турли даврда иккиламчи маъноларга ҳам эга бўлган. Ўрта Осиёда “хўжа” деб баъзан мулла, умуман ҳар қандай дин уламосига айтилган бўлса, қозоқ ва қирғизларда эски усул мактаби ўқитувчиларига нисбатан “хўжа” атамаси ишлатилган [11,185,392].

Бундан ташқари, Ўрта Осиё ва кўшни давлатларда хўжа сўзи “ёши улуғ, эр”, шунингдек, “хўжайин, мулқдор, руҳан бой одам”га нисбатан, Туркия ва Эронда бирор бир касб эгасига нисбатан “табиб” ёки “ҳарам қаровчиси” сифатида ҳам қўпланилган. Масалан, Туркияда ўқитувчига нисбатан ҳалигача “хўжам”

атамаси ишлатилади. Шунингдек, бу атама баъзан обрўли унвон сифатида ҳам қўлланган [9,199]. Ушбу ҳолатга кўра, исмига хўжа сўзи қўшиб айтилган одамга катта эҳтиром кўрсатилган. Кўпинча хўжа деб олдинги замонларда имтиёзлардан фойдаланиб келган аҳолининг маълум бир табақаси ёки Ўрта Осиёning турли ҳудудларида уруғ-қабилавий гурухларга нисбатан айтилган [12,510].

Хўжа атамасининг юқорида кўрсатилган маънолари тарихда турли халқлар томонидан кўплаб ҳудудларда ишлатилган бўлса-да, атаманинг умумий маъноси, яъни келиб чиқиши арабларга боғланган шахсларга нисбатан ишлатилганлиги кўпчилик тадқиқотчилар томонидан эътироф этилади.

Маълумки, хўжалар саййидлардан фарқли равишда Пайғамбар хонадонига эмас, балки Чорёрлар деб аталган араб ҳалифалигида ҳокимият тепасида турган дастлабки тўрт ҳалифа – Абу Бакр Сиддиқ, Умар, Усмон ва Али ибн Абу Толибнинг Биби Фотимадан бошқа аёлидан кўрган фарзандлари авлодларига нисбатан айтиб келинган бўлиб, уларни ҳам “оқсуяклар” деб эъзозлаб келишган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтирилган изоҳ бу маълумотларни тасдиқлайди:

“1. Хўжа (форс ва тожик тилларида мансуб сўз) – ҳурматли, обрў-эътиборли киши, хўжайин, соҳиб; савдогар, мураббий;

2. Хўжа – ўзларини чорёрларнинг авлодлари деб ҳисоблагувчи мусулмонларнинг фахрий номи;

3. Хўжа – Ўрта Осиёда маълум имтиёзга эга бўлган оқсуяклар ва уларнинг авлодлари”[1,167].

Шундай қилиб, қозоқлардаги ўқитувчи ҳам, усмонли турклардаги табиб ҳам, Ўрта Осиёдаги дин уламолари ҳам айрим ҳудудларда алоҳида уруғ ёки қабила бирлашмаси сифатида ажратилган муайян аҳоли гурухининг вакиллари бўлган.

Ҳозиргача Ўрта Осиё аҳолисининг мазкур гурухи бўйича бирор бир тизимли тадқиқотлар мавжуд эмас. Боз устига ушбу гурух йўқолиб кетган, деган фикрлар ҳам мавжуд[7].

## ТАРИХ

Хўжаларда қиз фарзандларини оддий фуқарога бериш ман этилган. Академик Яхё Ғуломовнинг ёзишича: “Хўжалар жамиятнинг оқсуяк ва имтиёзли табақаси ҳисоблангани боис оддий фуқаролар хўжа қизига уйланиш ҳукуқига эга эмас эди. Хўжалар оддий фуқаролар, яъни “қорача”лардан келган совчиларга рад жавобини берардилар. Шу туфайли (хўжалардан ҳадеганда совчилар келавермагани оқибатида) хўжа қизлари вақтида турмушга чиқолмай, ота уйида “қари қиз” бўлиб, “ўтириб” қолардилар. Бундай ҳолларни ўз кўзи билан кўрган рус этнографларидан М.Наливкин ва В.Наливкина шундай деб ёзиб қолдиришган: “... Қари қиз бўлиб қолиш ҳоллари кам учрайди. Қари қизлар асосан хўжаларнинг қизлари орасида учрайди. Хўжалар ўzlари қорачаларнинг қизлари ва аёлларига уйланаверадилар, аммо ўз қизларини факат хўжаларга берадилар. Ҳалқ бу ҳол устидан қуйидаги мақоллари билан ҳам кулган: “Хўжадан қиз олиш – патирдан қил олиш” (патир оддий нонга нисбатан қаттиқ бўлганлиги сабабли, унинг ичида қолиб кетган қилни суғуриб олиб бўлмайди, суғуришга уриниб кўрилса, узилиб қолаверади) [13. 361].

Ҳақиқатан ҳам, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, араб қабилалари қиз беришдан олдин ҳам роса насадбу ҳасабни суриштиришар эди. Оиласига тенг насадга эга бўлмаган кишига қиз беришмас эди. Бу эса насад асосида айирмачилик қилиш, кишиларни камситиш, сен бизга тенг эмассан, дейишнинг кенг тарқалган тури эди. Шунинг учун Ислом бу муаммога ҳам алоҳида эътибор берди. Имом Абу Довуд ва ал-Ҳокимлар Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда: «Абу Ҳинд Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошларидан қон олди. Шунда: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам, эй Бани Баёза, Абу Ҳиндга қиз беринглар, ундан қиз олинглар», дедилар. Бани Баёза аслзода араб қабиласи эди. Абу Ҳинд эса, уларнинг озод қилган қули бўлиб, қон олувчилик қилар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан юқоридаги амрни эшитиб, Бани баёзаликлар ҳайратга тушишди ва: «Эй Оллоҳнинг Расули, қандоқ қилиб

қизларимизни озод қилган қулларимизга берамиз?» дейишиди. Шунда Оллоҳ таоло: «Эй одамлар! Албатта, биз сизларни бир эркак ва бир аёлдан яратдик ҳамда ўзаро танишишларингиз учун ҳалқлар ва қабилалар қилиб қўйдик. Албатта, Оллоҳнинг ҳузурида энг ҳурматлиligингиз энг тақволигингиздир» оятини нозил қилди. Демак, одамларни улар мансуб бўлган ҳалқ, қабила, насадб-ҳасаб асосида фарқлаш, яхши-ёмон дейиш дуруст эмас. Шундан сўнг бу ҳукмга мусулмонлар оғишмай амал қила бошлишди. Ҳабашистонлик собиқ қора қул Билол ибн Рабоҳ розияллоҳу анху энг ҳурматли аёлга, Абдураҳмон ибн Авғ розияллоҳу анхудек улкан саҳобийнинг синглисига уйланди. Бошқа бир Қурайш қабиласилик аёл Фотима бинти Қайс розияллоҳу анҳога аслзода араблардан Абу Жаҳм ва Муовия розияллоҳу анхулар совчилик қилган бўлсалар ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уни собиқ қулнинг ўғли, қора танли Усома ибн Зайд розияллоҳу анхумога эрга тегишга тавсия қиладилар. Ибн Саъд ривоят қилишларича, Билол розияллоҳу анху укаси билан бир араб қабиласига совчи бўлиб бориб: «Мен – Билолман, манови укам Абдон, Ҳабашистонданмиз. Залопатда эдик, Оллоҳ ҳидоят қилди. Қул эдик, Оллоҳ озод қилди. Агар қиз берсангиз, Алҳамдулиллаҳ, бермасангиз Оллоҳу акбар!» деган. Шунда ҳалиги араблар, сен акаси бўлганингдан кейин албатта унга қиз берамиз-да, дейишган. Шундоқ қилиб ҳаётнинг ҳамма соҳаларида тенг ҳукуқлилик ўз ўрнини топиб бораверган. Охир оқибат, Ислом жамияти тенг ҳукуқлилик жамиятига айланган [16].

Хўжалар ислом оқсуяк табақаси сифатида маълум имтиёзларга эга бўлганлар. Улар кўп ҳолларда ўлим, тан жазоси, урушларда қатнашиш ҳамда солиқ тўлаш каби жазо ва мажбуриятлардан озод этилганлар. Хўжалар табақа жиҳатидан саййидлардан кейинги ўринда турган [8, 115].

Шуни айтиб ўтиш керакки, рус маъмурияти томонидан Туркистандаги ерга эгалик шаклларини тизимлаштиришга ҳаракат қилинганда

сохта хўжалар аниқланиб, уларнинг шажараси ё “йўқолган”, ё араблардан келиб чиқиши тасдиқланмаган ва ёки қалбаки бўлиб чиқсан. В.Л.Вяткин ўзининг жўйбор шайхлари (хўжалари) ҳақидаги тадқиқотида аҳолининг баъзи қисмининг ўз шажарасига биринчи ҳалифалардан келиб чиқсанлиги умумеътироф этилган шахслар исмини қўшиш сабаби ўз уруғи мавқенини кўтариш ва ҳимоя қилишдир, деб изоҳлади.

Юкорида таъкидланганидек, хўжаларнинг араблардан келиб чиқсанлиги борасида турли хил фикрлар айтилган. Баъзи манбаларда улар том маънодаги араблар бўлган дейилса, бошқаларида Ўрта Осиёни эгаллаган араб саркардаларининг авлодлари дейилади, учинчиларида эса, улар чор ҳалифаларнинг ёки улардан бирининг ва, ниҳоят, Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг авлодлари деб берилади [12. 510, 542].

Хўжаларнинг асл келиб чиқиши қандай бўлмасин ҳозиргacha адабиётларда шажараси араблар билан боғланади; хўжаларнинг ўзи ва аҳоли ҳам шундай фикрда бўлган. Ушбу тоифанинг араблардан келиб чиқишига шубҳа билан қарашга ундовчи факт сифатида XX асрнинг 50-70 йилларида Фарғона ва Зарафшон водийлари ҳамда Тошкент воҳасида тўплangan дала материаллари келтирилади. Исламига “хўжа” кўшиб мурожаат қилинадиган фуқаролардан арабларга боғлиқлик масаласи хусусида сўралганида ўзларини араблардан келиб чиқишини рад этган. Улар ўз шажараларини маҳаллий деб ҳисоблаб, араблар келишидан аввал ҳам юқори мавқега эга бўлганликларини, уларнинг аждодлари Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг уруғидек олийжаноб бўлганлиги, бу худудлар уларнинг азалий ватани бўлганлигини таъкидлаганлар.

Хўжалар орасида тарқалган мулоқот тилига кўра, улар адабиётларда ўзбек хўжалар ва тожик хўжаларга бўлинади. Кўрсатилган икки гурух хўжаларидан ташқари яна араб хўжалар ҳам бўлган.

Қорахонийлар давлатида ислом давлат дини деб эълон қилингач, Еттисувдаги мусулмон миссионерларининг таъсири кейинчалик

хўжа ва саййидларнинг сиёсий бошқарувга ўтишга интилишлари кўринишида давом этган. Ўша даврлардан бери хўжалар турли ижтимоий мавқеда яшаб келганлар. Улар орасида йирик ер эгалари ҳам, камбағал дэҳқонлар ҳам бўлган. Энг машҳур заминдорлардан Бухородаги жўйбор хўжалари, Тошкентдаги Хожа Аҳрор ва унинг авлодларини мисол қилиш мумкин. В.Бартольд X асрда Пойкенданаги сугориш тизимининг тузилишини тавсифлашда тўғонни тикиш ишига айнан хўжалар (шайхлар) катта миқдорда пул сарфлаганликларини қайд этиб ўтган [5,201]. Айнан хўжалар доимо хонлардан ташландик ерларни ўзлаштиришга ёрлиқ олган, уларнинг фаолияти натижасида ушбу худудлар ободонлаштирилган [2,123]. Соликлардан озод этилган мулк ерлари эгаларининг катта қисми ҳам хўжалардан бўлган [3,55, 167].

Хўжаларнинг қўлида қозилик ва маориф соҳалари мансаб ва лавозимлари бўлган; одамларнинг маънавий ҳаётини изга солган; баъзида давлат ҳокимиятияга ҳам ўз таъсирларини ўтказганлар [6,464. 501,506]. Бизга маълумки, Ўрта Осиёдаги уч хонлиқда ҳам хўжалар катта имтиёзларга эга бўлган. Масалан, Хива хонлигига улар солиқлардан, сугориш иншоотларини қуриш билан боғлиқ бўлган мажбуриятлардан, урушларда бевосита иштирок этишдан озод этилган. Бухорода йирик ер эгалари бўлган хўжалар “нақиб” унвонига эга бўлиб, кўп ҳолатларда амир кенгашларига таклиф этилган ва маълум бир сўз соҳиби бўлганлар. Бойлиги нисбатан озроқ бўлган “иккинчи тоифа” хўжаларига мансаблар берилди, улар орасида энг юқори мавқе хўжай калон бўлиб, у сипоҳларга бошчилик қилган ва амир уни ўзидан ўнг томонга ўтказган.

Хўжаларга катта эҳтиром нафақат хонлар даврасида, балки ҳалқ орасида ҳам кўрсатилган. Айтиш керакки, фақат бадавлат хўжаларга эмас, оддий дэҳқон, хунарманд, савдогар, кичик амалдор бўлган хўжаларга ҳам шундай муносабатда бўлинган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиё ўтрок аҳолисининг мухим

**ТАРИХ**

компонентларидан ҳисобланган ҳўжалар синчковлик билан атрофлича тоифасининг келиб чиқиши ва шаклланиш ўрганилишни талаб этади. тарихи узоқ ва мураккаб бўлиб,

**Адабиётлар:**

1. Абдулаҳатов Н., Зоҳидов Ф. Фарғона тумани тарихи. – Фарғона, 2013.
2. Абдураимов М.А. О малоизвестном источнике по истории аграрных отношений в Средней Азии XV в. – «Народы Азии и Африки», №3. 1968.
3. Абдураимов М.А. Позднейшие упоминания о суюргале. – «Общественные науки в Узбекистане». №2, 1961.
4. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
5. Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. – Соч. Т.3. – М., 1965.
6. Бартольд В.В. Коканд. Ташкент. Термез. – Соч. Т.3. – М., 1965.
7. Гулямов Я. «Ҳўджа» сўзи қаердан чиққан? – “Фан ва турмуш”, №1. 1970.
8. Зоир Чориев. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати (Қадимги ва ўрта асрлар). – Т.: “Шарқ”, 1999.
9. Миллер Б.В. Персидско-русский словарь. – М., 1960.
10. Салахетдинова М.А. К исторической топонимике Балхской области. Палестинской сборник. Вып. 21 (84). – Л., 1970.
11. Казахско-русский словарь. 1936. //Киргизско-русский словарь. Под ред. Юдахина К.К. – М., 1965.
12. Ўзбекско-русский словарь. Под ред. А.К.Боровкова. – Москва, 1959.// Ўзбекча-русча луғат. – Т., 1941.
13. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2001.
14. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т., 2001.
15. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Т.: Фан, 1965.
16. <https://savollar.islom.uz/s/Зикр аҳлидан сўранг>

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)